

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҚУЗУРҚДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**№ 03/20.01.2020.Р.26.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАСУЛЕВА НАИМА ЗИЯУТДИНОВНА**

**ҚАЙТА НИҚОҚГА КИРИШ МОТИВАЦИЯСИНИНГ ИЖТИМОЙ ВА**  
**ЭТНОПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**19.00.06 –Ижтимоий психология. Этнопсихология**

**ПСИХОЛОГИИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УДК: 159.922.4:173.1

Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
психологическим наукам

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on the  
psychological sciences

**Расулева Наима Зияутдиновна**

Қайта никоҳга кириш мотивациясининг ижтимоий ва этнопсихологик  
хусусиятлари..... 3

**Расулева Наима Зияутдиновна**

Социальные и этнопсихологические особенности мотивации  
повторного брака..... 23

**Rasuleva Naima Ziyautdinovna**

Social and ethnopsychological features of remarriage  
motivation..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 47

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.01.2020.P.26.02 ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

**РАСУЛЕВА НАИМА ЗИЯУТДИНОВНА**

**ҚАЙТА НИКОҲГА КИРИШ МОТИВАЦИЯСИННИНГ ИЖТИМОЙ ВА  
ЭТНОПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Психология фаилари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида  
№В2020.2.PhD/P142 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-  
сайдига (www.idpu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (<http://ziyonet.uz>)  
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қодиров Умарали Дўстқобилович  
психология фаилари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Самаров Рустам Садриддинович  
фалсафа фаилари доктори, профессор

Согинов Нурмат Абдусаматович  
психология фаилари номзоди, доцент

Етақчи ташкилот:

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва  
спорт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий  
даражалар берувчи DSc.03/30.01.2020.P.26.02 рақами Илмий кенгашининг 2021 йил "04" январь  
соат 09:00 даги мажлисида бўлиб ўтди (маъзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,  
Бунёдкор кўчаси, 27-уй Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: [info@tdpu.uz](mailto:info@tdpu.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс  
марказида танишни мумкин (1498 рақами билан рўйхатга олинган). Маъзил: 100185, Тошкент  
шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй Тел.: (+99871) 276-82-51.

Диссертация автореферати 2020 йил "25" декабрь куни тарқатилди.

(2020 йил "25" декабрь даги 39 рақами реестр баённомаси)



Илмий дарожадор берувчи Илмий  
кенгаш раёси психология фаилари  
доктори, профессор

У.А.Қодирова  
илмий дарожадор берувчи Илмий  
кенгаш раёси психология фаилари  
номзоди, доцент

В.М.Қаримова  
илмий дарожадор берувчи Илмий  
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар  
раёси, психология фаилари доктори,  
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда  
оилалардаги ажрим ҳолатларининг кўпайиб бораётганлиги, шахснинг қайта  
нихохга киришига асос бўлувчи омиллар, қайта нихохга кирган эр-хотинлар  
оилавий муносабатларини ўрганиш зарурати бу борада олиб бориладиган  
тадқиқотларнинг долзарблигини асослайди. Ажралишлар Буюк Британияда  
44,6%, Жанубий Кореяда 46,8%, Францияда 54,3%, Швейцария ҳамда  
Финляндияда 55,5%, Испанияда 56,7% ни ташкил қилади. Шундай экан,  
қайта нихох қуришнинг ижтимоий ва этнопсихологик жиҳатларини илмий  
тадқиқ этиш жаҳон ва Ўзбекистон психология фани учун жиддий аҳамият  
қасб этади.

Жаҳон таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида оила институтини  
мустаҳкамлашда қайта (такрорий) нихох қурган эркак ва аёлнинг оиладаги  
мавқеи, аёлларнинг оиладаги ўрни, эр-хотиннинг ўзаро бир-бирини  
тушуниши, ҳиссий яқинлиги ва шахслараро муносабатларининг оилавий  
муносабатларга таъсир даражасини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар  
амалга оширилмоқда. Тадқиқотларни амалга ошириш жараёнида долзарб  
ижтимоий-психологик муаммо сифатида қайта нихох қурган эркак ва аёллар  
оилавий муносабатлари, оила қуриш мотивининг этнопсихологик  
хусусиятларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда оила ва нихох муносабатларини мустаҳкамлашнинг  
аҳамиятига алоҳида ургу берилиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш.М. Мирзиёев 2018 йил 19 январь куни халқ депутатлари  
Сурхондарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида "Энг катта  
бахт, мен буни минг марта қайтаришдан чарчамайман, оиламиз тинч бўлсин!  
Оила кичик Ватан, оила тинч бўлса, бахтли бўлса, Ватан тинч бўлади. Ўша  
бахтли кунларни, ватанимизнинг, ёшларимизнинг камолини ҳозир ниёт  
қилаётганимиз каби кўриш ҳаммамизга насиб этсин!"<sup>1</sup>, – деб алоҳида  
таъкидлади. Эр-хотинлик-бу, узоқ умр кўриш, соғлиқни сақлаш ва иш  
унумини таъминлашга хизмат қиладиган ижтимоий ҳодисадир. Давлат  
раҳбари эътироф этганларидек, "Ҳар бир инсоннинг ҳаётидаги энг катта  
нарса бу — оила. Оила мен учун муқаддас. Ким бўлишингдан қатъи назар,  
оиладаги тарбия, оиладаги муҳит, оиладаги ҳалоллик, муносабатга алоҳида  
эътибор бермасанг, ҳеч қачон натижа бўлмайди"<sup>2</sup>. Шу жиҳатдан ҳам  
объектив ва субъектив сабабларга кўра, биринчи турмуши бузилган  
кишининг қайта нихохга кириши соғлом турмуш тарзи кечирини учун  
зарурат ҳисобланади ҳамда тадқиқот ишнинг аҳамиятини кўрсатиб беради.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг  
бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси, Ўзбекистон  
Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни  
қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни

<sup>1</sup> <https://www.sahar.uz/ziyonat/prezident-oila-kichik-yatan>

<sup>2</sup> <https://daryo.uz/2018/07/24/shahkat-mirziyoyev-oz-olasi-haqida-bir-bir-nevaranning-aloqida-sarakterini-nyatini-bilaman-video/>

тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сон, 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий мухитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада кўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5938-сон Фармонлари, 2018 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиqlаш тўғрисида”ги ПҚ-3808-сон, 2020 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ПҚ-4602-сон Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 229-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига асослиги.** Диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Оиланинг юзага келишига асос бўлган никоҳ қуриш мотивларини ўзбек олимларидан Ғ.Б.Шоумаров, В.М.Каримова, Н.А.Соғинов, Ш.Баратов, Б.Умаров, Р.Самаров, Ф.А.Акрамова, Р.Душанов, Г.Ниязметова, Н.Салаева, Н.Х.Лутфуллаева, Р.Абдуллаева, Ҳ.Абдусаматов, А.Кадирова, Ж.К.Каримов, З.А.Расулова, Ф.Рўзиқулов, У.С.Сарибаева, Э.Н.Саттаров, Э.Ш.Усманов, М.Утепбергенов, М.Файзиёва, У.Д.Қодиров, Г.Ядгарова ва бошқалар тадқиқ этишган. М.Г.Давлетшин, Э.Ғ.Ғозиев, В.М.Каримова, М.М.Маматов, Н.С.Сафаев, И.И.Маҳмудов, М.Ю.Отажоновларнинг этнопсихологик муаммоларга бағишланган изланишларида этник характер генезиси, вазифалари ва тузилиши масалалари тадқиқ этилган. Жумладан, М.Г.Давлетшин ва Э.Ғ.Ғозиев мамлакатимизда этнопсихология фанининг ривожланиши билан боғлиқ муаммоларни, В.М.Каримова ёш йигит ва қизларнинг ўзбек оиласи ҳусусидаги ижтимоий тасавурларини, М.М.Маматов ва Н.С.Сафаевлар этник ва миллий ўзлиқни англаш муаммоларини, Ф.С.Татибаева ижтимоийлашув жараёнида этник стереотипларнинг шахсга таъсирини, И.И.Маҳмудов хулқ-атворнинг этник стереотипларини, Н.Салаева ўзбек оиласининг ҳудудий ҳамда этнопсихологик тафовутлари каби долзарб муаммоларни ўрганганлар. Лекин шундай бўлса-да, юқоридаги ишларнинг бирортасида ҳам қайта никоҳга кириш мотивацияси ва унинг этнопсихологик ҳусусиятлари алоҳида тадқиқот сифатида таҳлил қилинмаган.

МДХ олимларидан А.И.Антонов, В.М.Медков, И.А.Трофимова, Т.В.Андреева, Л.В.Толстова, Л.Н.Собчик, В.М.Целуйко, С.Куrowsкая Е.С.Калмыкова ва бошқа олимларнинг ишларида никоҳга кириш

мотивацияси муаммоси, қайта никоҳдан ўтган оилалардаги болалар ва ота-оналар масалалари, қайта никоҳга кирган эр-хотинларнинг оилавий муносабатлари, қайта расмий никоҳдан ўтган эр-хотинлар биринчи никоҳдан бўлган болаларининг ўзаро муносабатлари каби муаммолар тадқиқ этилган.

Қайта никоҳга кириш масалалари бўйича хорижлик олимлардан Ж.Лофас, Л.Б.Шнейдер, С.Кратохвил, Г.Крайг, М.М.Свэеней, М.Кампбелл, К.М.Шафер, Л.Бумпассе, Ж.Квэет, Т.С.Мартин, Р.С.Бен, Д.Делис ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот иши Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш бош стратегиясининг “Психология фани ва унинг долзарб муаммоларини тадқиқ этиш” номли устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** қайта никоҳга кириш мотивацияси, асос бўлувчи омиллар, бева ва ажрашган эркак ҳамда аёллар қайта никоҳнинг ижтимоий ва этнопсихологик ҳусусиятларини аниқлаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

қайта никоҳ қуриш мотивлари таснифини ишлаб чиқиш;  
шахснинг қайта никоҳга киришига асос бўлувчи омиллар гуруҳининг ижтимоий ва этнопсихологик ҳусусиятларини таҳлил қилиш;  
қайта никоҳнинг мустаҳкамлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш;  
бевалар ҳамда ажрашганлар қайта никоҳнинг ижтимоий ва этнопсихологик таъсирдорлигини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти.** Қайта никоҳга кириш мотивациясининг ижтимоий ва этнопсихологик ҳусусиятларини аниқлаш мақсадида 362 нафар респондент танлаб олинди, улардан расмий қайта никоҳ қурган ва тўлиқ оила сифатидаги респондентлар 200 нафарни ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предметини** қайта никоҳга кирган эр ёки хотинларнинг никоҳ қуриш мотивациясига хос ижтимоий ва этнопсихологик ҳусусиятлари ҳамда тасавурлари ташкил қилди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда кузатиш, суҳбат, анкета, сўровнома, тест, Д.Рассел, Л.Пепло ва М.Фертусонлар томонидан ишлаб чиқилган “Ўлгизликни субъектив ҳис қилишни ўрганиш методикаси” (Ўлгизликни ўлчашнинг модификациялаштирилган шкаласи), “Оилавий қадриятларни ўлчаш” методикаси, А.Н.Волкованинг В.И.Слепкина томонидан такомиллаштирилган тушуниш, ҳиссий жалб қилиш, ҳурмат (ПЭА)сўровномаси, эксперт баҳолаш методи, Стюдент ва Пирсоннинг математик-статистика методидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:  
маҳаллий халқлар этносида соғлом турмуш тарзи “қайта никоҳ” феноменининг ижтимоий-психологик ва этнопсихологик ҳусусиятлари (этник онг, ўз ўзини англаш, миллий қадрият) аниқланган;  
қайта никоҳ қуришдаги мотивлар шаҳар, қишлоқ, жинс ҳамда шахс индивидуал-психологик ҳусусиятларининг (характер, темперамент, оилавий ҳаёт шароити) жиҳатлари аниқланган;

қайта никоҳ қуришга ундовчи мотивларнинг рейтингини (1-даража: ўзаро севги-муҳаббат, чорасизлик; 2-даража: ёлғизлик, урф-одат, расм-русумлар; 3-даража: раҳмдиллик, моддий жиҳатдан беками-кўстликка эришиш) ҳамда уларнинг этнопсихологик хусусиятлари аниқланган;

қайта қуриладиган янги оила аъзолари учун оиланинг мустаҳкам бўлишини таъминловчи амалий тавсиялар тақомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

қайта ташкил этилаётган оилалар учун махсус қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилган, ушбу курсларнинг ўқув-методик мажмуаси ишлаб чиқилган ва синовдан ўтказилган;

қайта қурилган оилалардаги психологик иқлимнинг соғлом бўлишини таъминлаш мақсадида доимий психологик ёрдам ташкил этилган ва мониторинг натижалари асосида никоҳдан қониқиб даражаси ўртача кўрсаткичдан юқори эканлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндашув, усуллар ва маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, ишончли ва самарадор замонавий математик-статистика усулларида фойдаланилганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли органлар ва тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот илмий натижалари “Ижтимоий психология”, “Ёш даврлари психологияси”, “Ривожланиш психологияси”, “Оила психологияси” ҳамда “Этнопсихология” фаиларини назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилиши, улардан илмий-услубий ва ўқув қўлланмалар яратишда назарий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Шу билан бирга, натижалар Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан туман ва шаҳарларда ташкил этилаётган ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашга онд курслар фаолиятида кенг қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олинган маълумотлардан қайта никоҳ қурган оилаларнинг мустаҳкамлигини оширишда, оила аъзолари ўртасида юзага келадиган низоларни бартараф этишда, амалиётчи психологлар фаолиятида, оилага психологик хизмат кўрсатиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қайта никоҳга кириш мотивациясининг ижтимоий ва этнопсихологик хусусиятлари йўналишида олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

маҳаллий халқлар этносидида соғлом турмуш тарзи мезони сифатида “қайта никоҳ” феномени таҳлил этилиб, унинг ижтимоий-психологик ва этнопсихологик хусусиятларининг таъсири (этник онг, ўз ўзини англаш, миллий қадрият) боғлиқлиги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология-ўқув илмий марказининг П-М-7в-сон буйруғи билан “Этнопсихология ва дин психологияси” модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 1 июлдаги П-М-7в-сон маълумотномаси). Натижада,

бўлғуси психологларда қайта никоҳнинг этнопсихологик хусусиятлари ҳақида билим, тушунча ва тасаввурлари орттишига эришилган;

қайта никоҳ қуришдаги мотивларнинг шаҳар, қишлоқ, жинс ҳамда шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари (характер, темперамент, оилавий ҳаёт шароити)га хос жиҳатлари Психология-ўқув илмий марказининг П-М-7в-сон буйруғи билан “Ижтимоий психология” модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 1 июлдаги П-М-7в-сон маълумотномаси). Натижада, амалиётчи психологларнинг оилага психологик хизмат кўрсатишга тайёрланувчи психолог мутахассислар касбий компетентлик даражасини ошириш соҳасида сифат жиҳатдан ўсишга эришилган;

қайта никоҳ қуришга ундовчи мотивларнинг рейтингини (1-даража: ўзаро севги-муҳаббат, бола шахсининг шаклланиши учун ота ёки она тарбиясининг шартлиги; 2-даража: ёлғизлик, урф-одат, расм-русумлар; 3-даража: раҳмдиллик, моддий жиҳатдан беками-кўстликка эришиш) Психология-ўқув илмий марказининг П-М-7в-сон буйруғи билан “Оила психологияси” модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 1 июлдаги П-М-7в-сон маълумотномаси). Натижада, оила мустаҳкам бўлишига хизмат қилувчи самарали усуллар билан бўлғуси психологлар таништирилган;

қайта қуриладиган янги оила аъзолари учун оиланинг мустаҳкам бўлишига ёрдам берувчи амалий тавсиялар Психология-ўқув илмий марказининг П-М-7в-сон буйруғи билан “Шахслараро муносабатлар психологияси” модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 1 июлдаги П-М-7в-сон маълумотномаси). Натижада, бўлғуси педагог-психолог ва амалиётчи психолог мутахассисларни оила психологияси йўналишида ўқитишда назария ҳамда амалиёт узвийлиги кучайтирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 7 та республика ва 2 та халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола (шундан, 4 та республика ва 2 та хорижий журналларда) нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 121 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг

фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қайта никоҳ” феномени психологик муаммо сифатида**” деб номланган биринчи бобда “қайта никоҳ” феноменининг замонавий психологияда ўрганилганлик ҳолати, никоҳ-оила муносабатларига доир Шарқ мутафаккирларининг қарашлари таҳлил этилган ҳамда тегишли маҳаллий, хорижий тадқиқотларнинг назарий таҳлили амалга оширилган, никоҳ ва оила муносабатлари ҳақидаги тушунчалар илмий-психологик нуқтаи назардан ўрганилган.

Қайта никоҳ – бу, илгари никоҳ муносабатларида бўлган шахс ёки инсонлар томонидан яратилган, аёл ва эркекнинг ихтиёрий иттифоқидан ташкил топувчи, маълум хоҳиш, истак, мақсад асосида бирлашган одамларнинг табиий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий муносабатларига асосланган ижтимоий бирлигини ифодаловчи никоҳ.

Қайта никоҳ установа (йўл-йўриқ)ларининг моҳияти ва уларнинг шаклланишини ўрганиш аънавалари умумий психологияда ҳам, ижтимоий психологияда ҳам мавжуд. Умумий установа у ёки бу вазиятларда ўша вазият талаб қилган хатти-ҳаракатларга кишининг муайян йўналиш ёки кўринишда ҳаракат қилишга ички тайёрлигини билдирувчи ҳодисадир. Бошқача қилиб айтганда, установа – бўлгуси воқеалар ёки маълум йўналишларда ҳаракат қилишга субъектнинг тайёрлиги, мойиллиги. Унинг мавжудлиги шахснинг турли вазият ва ҳолатларга, воқеаларга, шарт-шароитларга мослашувини тезлаштиради, адекват, яъни, мақсадга мувофиқ ҳаракатларини таъминлайди.

Қайта никоҳга нисбатан установа аслида, бизнингча, муайян тарзда шаклланидиган ижтимоий установанинг бир кўринишидир. Чунки, ҳар бир инсон оилада дунёга келади. Ота-онанинг ҳаёт тарзи, қабул қилинган қадриятлар, урф-одат, аънавалар, бола тарбиялаш усуллари, ота-оналик вазифаларининг қай тарзда бажарилиши табиий равишда фарзанд онгида акс этиб, кейинчалик унинг ижтимоий ҳулқида оилавий муносабатларга ҳозирлик – ижтимоий установа сифатида намоён бўлади.

Шахс ва унинг камолоти билан боғлиқ, айни вақтда оилавий муносабатлар муаммолари Шарқ мутафаккирлари, жамиятнинг энг илгор кишилари, олимлар, буюк ватандошларимиз, алломалар ҳамда донишмандларнинг диққат марказидаги асосий масалалардан бўлиб келган. Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Қайковус, Алишер Навоий, Ризоуддин ибн Фахриддин, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий каби кўллаб олим, шоир ва ёзувчилар асарларида оила, оилавий тарбиянинг аҳамияти юқори кўйилган, айниқса, шахснинг ақли ва ахлоқий камолотида оиланинг ўрни, ота-она ва яқин кишиларнинг йўналтирувчи ва тарбияловчи вазифаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Шарқда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашга қадимдан жиддий аҳамият берилган, кўп асарларда биринчи навбатда оила мукаддаслиги, уни авайлаб-

асраш зарурлиги ҳақида турли тарбиявий аҳамиятга эга бўлган фикрлар ёритилган.

Бобда олимлар қайта никоҳга киришда “никоҳга психологик тайёрлик” тушунчасини қандай талқин қилишлари ва бунинг турмушдан ажралган шахслар оила-никоҳ установасида қандай ўрин эгаллаши кўриб чиқилган. Шунинг эслатиб ўтиш лозимки, психологлар “психологик тайёрлик” тушунчасини талқин қилишда шахснинг ижтимоий-психологик установасидаги эр-хотинлик муносабатларига таъсир қилувчи қадриятлар ва ҳаёт тарзининг эмоционал-психологик муносабатлари тизимини тушунишади.

Кенг қамровли адабиётлар таҳлилига кўра, аънавий қайта никоҳ қуриш оила барбод бўлгандан ёки турмуш ўртоқларининг бири вафотидан сўнг собиқ эр-хотинлардан бирининг уйланиш ёки турмушга чиқиши натижасида юзага келиши аниқланган.

Ўзбекистон олимларининг эътироф этишларича, никоҳ, оила қуриш мотивларининг умумлаштирилган ҳолда учта тури мавжуд. Булар севги-муҳаббат асосида, моддий ёки ўзга манфаатдорлик туфайли ҳамда стереотип равишда оила қуришдир. Таҷрибалар, тадқиқотларнинг кўрсатишича, бугунги кунда севги ва маънавий яқинлик асосига қурилган оилалар муваффақиятга эришмоқда.

Ҳар бир оиланинг тинч-тотув яшashi, маънавий жиҳатдан бой бўлиши, оилалардаги фарзандларнинг буюк аجدодларимиз сингари билимларга эга бўлган етуқ инсонлар қилиб тарбиялаш жамият аъзоларининг энг асосий мақсадларидан биридир. Албатта, бу жараёнда оиладаги ота-она ўз мажбуриятларини эсдан чиқармаган ҳолда фарзандларга ҳар тарафлама ўрнак бўлиши муҳимдир. Миллий урф-одатларимиз, аънаваларимиз ва қадриятларимиз асосида меҳрибонлик, оқибатлилик, ҳурмат ва эҳтиром каби хислатларни ёш авлоднинг онига сингдириш лозим.

Қайта қуриладиган янги оила никоҳдан ташқари жинсий муносабатлар, нотўлиқ оилалар, тирик етим болалар, ўзини “ёлғиз”, “бахтсиз”, “беғоналашган” ҳисоблайдиганлар сонининг камайишига, жамиятдаги ўзига хос ижтимоий тарангликнинг муайян даражада “юмшатиш”га сабаб бўлади.

Бобда юқоридаги мулоҳазалар асосида қайта никоҳ қуриш мотивациясининг ижтимоий-этнопсихологик хусусиятлари ҳамда қайта никоҳ қуриш мотивациясининг психологик аспекти кўриб чиқилган кунда тадқиқотларда старлича ёритилиб берилмаганлиги, шунингдек, оилаларни барқарорлаштиришга қаратилган ислохотлар натижасида бугунги кунда ажримлардан кейин собиқ эр-хотинларда қайта никоҳга кириш мотивацияси шаклланилганлиги борасида фикрлар, ҳулосалар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қайта никоҳга кириш мотивацияси ва унга таъсир кўрсатувчи этнопсихологик омиллар”** деб номланган иккинчи бобда қайта никоҳ қуриш мотивлари таснифи келтирилган, шахс қайта никоҳга киришига асос бўлувчи қадриятлар гуруҳининг этнопсихологик хусусиятлари юзасидан маълумотлар ёритилган.

Қайта никоҳ оилаларнинг бузилиши ёки турмуш ўртоғидан бирининг вафотидан сўнг, олдинги никоҳдан фарзанд бўлса, ота-оналар қайта оила куриш ҳақида қайгуриши натижасида юзага келиши мумкин.

Қайта никоҳ куриш оила барбод бўлгандан сўнг собиқ эр-хотинлардан бирининг турмуш куриши натижасида ҳам юзага келади, бунда қонуний ёки фуқаролик никоҳидан қатъи назар, одатда уч томон муносабатлари кўнгилсизликлар билан тугаши кузатилади.

Ёлғиз қолган аёл ёки эркак учун қайта никоҳга кириш масаласи энг мақбул иш бўлиб ҳисобланади. Статистик маълумотларга<sup>3</sup> кўра ажрашган ва бева эркакларнинг қайта никоҳ қурганлар сони аёлларга нисбатан кўндир.

1-жадвал.

**Никоҳ қурган эркаклар ва аёллар сони  
(2017 йилда)**

	Никоҳ қурган эркаклар сони:			Никоҳ қурган аёллар сони:		
	барчаси	шундан:		барчаси	шундан:	
		ажрашганлар	туллар		ажрашганлар	бевалар
2017	25 767	18 643	7 124	10 969	8 678	2 291

Юқоридаги жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, қайта никоҳ куриш ҳолатлари аёлларга нисбатан эркакларда кўпроқ учраётди.

Ҳозирги кунда қайта никоҳ жадвалда акс этганидек, ажрашганлар ёки бева ёхуд тул эркак, аёллар ўртасида вужудга келади.

Бу икки турдаги никоҳ ўртасидаги фарқ шундаки, ажрашган шахслар биринчи никоҳидаги турмуш ўртоғи одатда ҳаёт бўлади. Собиқ турмуш ўртоғи билан бўладиган алоқа фарзандларга васийлик, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш ва болалардан расмий равишда хабар олиб туриш кўринишида амалга ошади ва мулоқот давом этади. Кўпчилик оилаларда бундай учрашувларда собиқ эр-хотин орасида ўзаро масофа сақланади ва улар ўртасидаги келишмовчиликлар (ёрдам сўралганда рад жавоб бериш, бир-бирини тушунишни хоҳламаслик) сабабли келиб чиққан низоларни ҳал этиш қийин кечади. Табиийки, бева ёки туллар қайта турмушида бу сингари муаммолар кўзга ташланмайди.

Инсоннинг янги оила куришдаги интилишларини юзага келтирувчи зарурий ҳаётий эҳтиёжлар ва етакчи мотивларни ҳисобга олган ҳолда қайта никоҳ куриш гуруҳига хос бўлган бир неча хил жиҳатларни кўрсатиш мумкин:

- ўрта ёки кекса ёшли кишининг ўзига нисбатан ёш ва фарзандсиз аёл билан никоҳ куриши;
- ажрашган ва фарзандлари онаси билан қолган эркакнинг ажрашган ва бир ёки бир неча фарзанди бор бўлган аёлга уйланиши;
- бева ва тул қолганларнинг ўзаро никоҳи;
- айни бир шахсларнинг ажрашиб, қайта қурилган никоҳи.

Қайта никоҳ биринчи никоҳдан фарқ қилади. У биринчисидан яхши ҳам ёмон ҳам эмас, у – ўзига хос асосда қуриладиган никоҳ. Бундай никоҳ муайян тамойиллар асосида юзага келади. Шунинг учун эр-хотин ўртасидаги шахслараро муносабат ва ҳулқ маълум қондаларга бўйсунди.

Тадқиқот давомида 362 нафар респондентда ўтказилган ижтимоий-психологик сўровнома натижаларининг кўрсатишича, шахснинг никоҳга кириш мотивлари турли-туман экан. Жумладан, 162 нафар илк никоҳга кирувчилар учун устувор мотивларнинг 15 тури, қайта никоҳга киришга ундовчи мотивларнинг эса 10 та тури аниқланди.

Дастлабки таҳлиллар асосида бу мотивлар респондентлар жавобларида такрорланиш частотасига кўра 3 хил даражадаги мотивларга ажратилди. Масалан, 66,7 фоиз илк никоҳга кирувчи ёшлар учун 1-даражали устувор рейтингли мотивация ўз ичига “ўзаро севги-муҳаббат”, “шахс мавқеи”, “моддий жиҳатдан бекам-кўстликка эришиш”, “урф-одат, расм-русумлар”, “тақлид қилиш” каби мотивларни қамраб олиши кўзга ташланган бўлса, 2-даражали никоҳга кириш мотивацияси “ёлғизлик”, “жамиятдаги ўз ўрнини (мавқеини) белгилаб олиш”, “ор-номуслилик”, “қайсарлик, ўжарлик” ва “ранж-алам, дилсийҳлик” каби мотивлар мажмуидан ташкил топган (37,6 фоиз синалувчи қайд этган). Шунингдек, 19,7 фоиз респондентнинг фикрича, “рахмдиллик”, “чорасизлик”, “экстремал шароитлар”, “бемулоҳазалик” ва “молпарастлик” каби мотивлар ҳам шахсда қайта никоҳга киришга сабаб бўлувчи мотивацияни юзага келтиради, тадқиқотда бу жиҳат 3-даражали никоҳ олди мотивацияси деб белгиланди.

2-жадвал.

**Никоҳ олди мотивлари рейтинги (n=362)**

Тўр	Никоҳга кириш мотивлари рейтинги (n=162)	Тўр	Қайта никоҳга кириш мотивлари рейтинги (n=200)
<b>1-даражали мотивлар</b>			
1.	ўзаро севги-муҳаббат	1.	чорасизлик
2.	шахс мавқеи (моддий, маънавий)	2.	ёлғизлик
3.	моддий жиҳатдан бекам-кўстликка эришиш	3.	экстремал шароитлар
4.	урф-одат, расм-русумлар		
5.	тақлид қилиш		
<b>2-даражали мотивлар</b>			
6.	ёлғизлик	4.	урф-одат, расм-русумлар
7.	жамиятдаги ўз ўрнини (мавқеини) белгилаб олиш	5.	шахс мавқеи (моддий, маънавий)
8.	ор-номуслилик	6.	ор-номуслилик
9.	қайсарлик, ўжарлик		
10.	ранж-алам, дилсийҳлик		

<sup>3</sup> <https://stat.uz/uz/hizmatlar/shakllar-ro-yxati/180-efytsvalnaie-statvtyka-uz/6548-demografiya>

2-жадвал давоми.

3-даражали мотивлар			
11.	рахмдиллик	7.	рахмдиллик
12.	чорасизлик	8.	моддий жиҳатдан бекам-кўстликка эришиш
13.	экстремал шароитлар	9.	ўзаро севги-муҳаббат
14.	бемулоҳазалик	10.	тақлид қилиш
15.	молнарастлик		

Ижтимоий-психологик сўровларда иштирок этган 200 нафар қайта никоҳ қурган респондентларнинг фикрлари умумлаштириладиган бўлса, юқоридаги ҳолат, яъни қайта никоҳга киришнинг 3 хил табиатли мотивацияси намоён бўлади. Масалан, 37,5 фоиз синалувчида аниқланган 1-даражали мотивация, яъни “чорасизлик”, “экстремал шароитлар”, “ёлғизлик” каби мотивлар жамламаси уларда экзистенциал воқеликка муносабат уйғонганлигини, хусусан, турмуш ўртоғидан ажралгандан сўнг ўзларининг ҳаётда борлигини англаб етиб, ўз ҳаётларини давом эттиришга бўлган ички интилиш ортганлигини кўрсатган ва ўз навбатида, “Беваларнинг қайта никоҳи” моделидаги оила шаклланишига туртки бўлган.

3-жадвал.

## Қайта никоҳ модели бўйича устувор мотивлар рейтингини (n=200)

Тр	“Беваларнинг қайта никоҳи” модели бўйича (n=100)	Тр	“Ажрашганларнинг қайта никоҳи” модели бўйича (n=100)
1.	чорасизлик	1.	ёлғизлик
2.	экстремал шароитлар	2.	ўзаро севги-муҳаббат
3.	ёлғизлик	3.	шаҳс мавқеи (моддий, маънавий)
4.	ор-номуслилик	4.	чорасизлик
5.	шаҳс мавқеи (моддий, маънавий)	5.	тақлид қилиш
6.	моддий жиҳатдан бекам-кўстликка эришиш	6.	экстремал шароитлар
		7.	урф-одат, расм-русумлар
		8.	рахмдиллик

Биз тадқиқотимизнинг қайта никоҳга кирган собиқ эр ёки хотиндаги устувор кадриятларни ўрганишга бағишланган қисмида Д.А.Леонтьев томонидан модификация қилинган М.Рокич концепциясига таяндик. М.Рокич сўровномаси негизини кадриятларнинг икки туркуми ташкил қилади: асосий мақсадни ифодалайдиган терминал (асосий) кадриятлар ва хатти-ҳаракат воситалари ҳисобланган инструментал (воситавий) кадриятлар.

Ўзбек ва рус миллатига мансуб респондентлар мазкур икки туркумга тааллуқли кадриятларни аҳамиятлилик даражасига кўра тартиблашлари

керак эди. Эраклар ва аёлларнинг натижалари алоҳида-алоҳида тарзда SPSS-11.5 дастури ёрдамида омилли таҳлил орқали қайта ишланди. Бундан ташқари омилли таҳлил орқали тегишли омиллар миқдорига қараб кадриятларга оид ментал макон хусусиятлари кўёсланди.

Маълумотларнинг омилли таҳлили ўзбек ва рус миллатларига мансуб қайта никоҳ қурган респондентларнинг кадриятларга оид ментал макон конструктларини фарқлаш имконини ҳам берди (4-жадвал).

4-жадвал.

## Шахснинг қайта никоҳга киришига асос бўлувчи кадриятлар

Ўзбек аёллари	Рус аёллари
<b>Биринчи кадрият</b>	
ижобий кутбда сабр ва берилган ишни вақтида бажариш, тартиб-интизомлилик ҳамда салбий кутбда қатъий ирода ва ўз фикрини кўркмай химоя қилиш	бир кутбли, ўз фикрини кўркмай химоя қилиш
<b>Иккинчи кадрият</b>	
индивидуалистик кадрият (юксак интилишлар), интеллектуал (ўқимишлилик) ва конформистик (масъулиятлилик) кадриятлар	шахслараро мулоқот кадриятлари (тарбияланганлик, ғамхўрлик) билан альтруистик кадрият (дунёқараш кенглиги)нинг ўзаро боғлиқлиги
<b>Учинчи кадрият</b>	
индивидуалистик кадрият (мустақиллик), ахлоқий кадриятлар (ўз камчиликларига лоқайд бўлмаслик, ростгўйлик), шахслараро мулоқот кадриятига тааллуқли тарбияланганлик	бевосита эмоционал дунёни англаш (ҳаётдан хурсандлик), конформизм (берилган ишни вақтида бажариш)
<b>Тўртинчи кадрият</b>	
альтруизм (дунёқараш кенглиги), интеллектуал кадриятлар	маърифий ва индивидуалистик кадриятлар
<b>Бешинчи кадрият</b>	
бир кутбли бўлиб, меҳнатқашлик ва ғамхўрлик кадриятлари	ўз камчиликларига лоқайд бўлмаслик
<b>Олтинчи кадрият</b>	
саранжомлилик	икки кутбли, меҳнатқашлик, ростгўйлик ҳамда саранжомлилик
<b>Еттинчи кадрият</b>	
менталитет ва дин	сермулоҳазалилик ва қатъий ирода



Қайта никоҳга кирган ўзбеклар кадриятларга оид ментал маконининг тузилиш жиҳати шу тонфага мансуб русларнинг кадриятларга оид ментал маконидан тубдан фарқ қилишини ва ҳар икки миллатнинг тадрижий (эволюцион) тараққиётини ўзида акс эттириши билан бирга характернинг миллий хусусиятларини алоҳида олинган кадриятлар эмас, балки уларнинг кадриятларга оид ментал макондаги ўзаро диспозициялари белгилашини исботлади. Шу билан бир қаторда экзистенциал воқеликка бўлган муносабатларга оид ментал макон мураккаблиги ҳам ментал фарқлар мавжудлигини очиб берди. Экзистенциал воқеликка муносабатлар “Ажрашганларнинг қайта никоҳи” моделида оила қурган ўзбеклар мисолида кенгрок ўз аксини топди.

Тадқиқотнинг “Қайта никоҳ қурган оилалар модели ва уларнинг ижтимоий ва этнопсихологик хусусиятлари” деб номланган учинчи бобида қайта никоҳ қуриш мотивларини аниқлашда фойдаланилган ижтимоий-психологик методикалар, шахсни қайта никоҳга киришга ундовчи мотивлар ҳамда уларнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини аниқлашга оид тажриба-синов ишлари мазмуни, натижалар таҳлили ўрин олган.

Ижтимоий психология соҳаси доирасида тадқиқотларни олиб бораётган олимлар олдида турган асосий масалалардан бири – шахс хусусиятларини ўрганишга мўлжалланган восита (усул)ларнинг турли маданий муҳит учун етарли даражада валид ва ишончли эканини исботлашга эришишдир.

Ушбу диссертация иши доирасида қўлланган, шахснинг қайта никоҳ қуриш жараёнини тадқиқ этишга мўлжалланган психологик ўлчов воситалари (тест, методика, тренинглар) психология фани соҳалари изланишларининг бошқа воситалари сингари кўп йиллик пилот (тажрибавий) тадқиқотларда синовлардан муваффақиятли ўтган. Шу жиҳатдан ҳам, шахс қайта никоҳ қуриш жараёнига таъсир кўрсатувчи омилларнинг ижтимоий-психологик ва этнопсихологик табиатини ёритишда зарур ижтимоий-психологик ва этнопсихологик хоссаларга эгаллиги исботланган ўлчов воситаларини саралаб олиш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Д.Рассел, Л.Пепло ва М.Фергюсонлар томонидан ишлаб чиқилган “Ўлғизликни субъектив хис қилишни ўрганиш методикаси” (Ўлғизликни ўлғашнинг модификациялаштирилган шкаласи), оиладаги эр-хотин муносабати ва оилавий кадриятларни ўрганиш методикаси ҳамда тушунтириш, хиссий жалб қилиш, ҳурмат (ПЭА) сўровномаси бўйича самарадорлик даражаларини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов натижалари бўйича тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўртача кўрсаткичларни Стьюдент ва Пирсоннинг  $\chi^2$  математик-статистика методи ёрдамида таҳлил этдик.Тажриба-синовда жами 100 нафар ажрашган эркак ва аёл ҳамда 100 нафар тул (бева) эркак ва аёллар қатнашди.

Ажрашган аёл ва эркаклар ҳамда тул (бева) эркак ва аёлларнинг оилавий кадриятларини, шунингдек, ўлғизликни субъектив хис қилишини ўрганиш методикаси самарадорлигини кўрсатувчи  $H_1$  гипотеза ва унга зид бўлган  $H_0$  гипотеза танланди.

**Ажрашган ва бева аёллар ҳамда тул эркакларнинг ўлғизликни субъектив хис қилиш натижалари (% ҳисобида)**

	Гуруҳлар		Аёл ва эркаклар сони	Даражалар:			
				тез-тез	баъзида	камдан-кам	ҳеч қачон
Ажрашганлар	аёллар	100%	56%	22%	19%	8%	7%
	эркаклар		44%	8%	11%	12%	13%
Бева (тул)лар	аёллар	100%	54%	20%	18%	10%	6%
	эркаклар		46%	8%	10%	11%	17%

Ажрашган аёлларга нисбатан ажрашган эркакларда ўзини ўлғизликни субъектив хис қилиш кўрсаткичи паст даражадалиги ҳамда тул эркакларда ажрашган эркаклар сингари ўлғизликни субъектив хис қилиш кўрсаткичи паст даражада эканлиги аниқланди (5-жадвал).

**Ажрашган ва бева аёллар ҳамда тул эркаклар оилавий кадриятларини ўрганиш методикасининг самарадорлик даражасини аниқлаш юзасидан натижалар (% ҳисобида)**

	Гуруҳлар		Аёл ва эркаклар сони	Даражалар:			
				туллик қўши-ламан	умуман тўғри	унчалик тўғри эмас	нотўғри
Ажрашганлар	аёллар	100%	56%	24%	15%	7%	10%
	эркаклар		44%	16%	8%	14%	6%
Бева (тул)лар	аёллар	100%	54%	12%	11%	6%	25%
	эркаклар		46%	7%	7%	12%	20%

Оилавий кадриятларни ўлғашда ажрашган аёлларга нисбатан бева аёлларнинг жавобларида катта фарқ бор эканлиги ҳамда тул ва ажрашган эркаклар жавобида ҳам ахамиятли тафовут мавжудлиги аниқланди (6-жадвал).


**Ажрашган, бева аёллар ҳамда тул эркакларнинг тушунтириш, хиссий жалб қилиш, ҳурмат (ПЭА) сўровнома натижалари (% ҳисобида)**

	Гуруҳлар		Аёл ва эркаклар сони	Даражалар:		
				Ҳа	Йўқ	Билмайман
Ажрашганлар	аёллар	100%	56%	25%	23%	8%
	эркаклар		44%	5%	21%	18%
Бева (тул)лар	аёллар	100%	54%	21%	27%	6%
	эркаклар		46%	6%	22%	18%


Ажрашган аёлларга nisbatan ажрашган эркекларда хиссий жалб этиш, хурмат тушунчаси куйи даражадалиги ҳамда тул эркекларда ажрашган эркеклар сингари тушуниш, хиссий жалб қилиш, хурмат тушунчаси past даражада эканлиги аниқланди (7-жадвал).

Ажрашган аёлларнинг кўрсаткичлари ва аёллар сонини мос равишда  $X_{1j}$  ва шу каби ажрашган эркекларга доир маълумотларни  $Y_{1j}$  орқали, худди шунингдек, бева аёлларнинг кўрсаткичлари ва аёллар сонини мос равишда  $X_{2j}$  ва шу сингари тул эркекларникини  $Y_{2j}$  лар орқали белгилаб олиб, статистик гуруҳланган вариацион қаторларга эга бўламиз. Бунда “тез-тез” вазияти 4 балл, “баъзида” вазияти 3 балл, “камдан-кам” вазияти 2 балл ва “ҳеч қачон” вазияти эса 1 балл билан белгиланди.

Ўлғизликни субъектив ҳис қилишни ўрганиш методикаси бўйича натижалар диаграммаси куйидаги кўринишни олди:



1-расм. Ажрашган аёл ва эркекларда



2-расм. Бева аёл ва тул эркекларда

Оилавий кадрятларни ўрганиш методикаси бўйича натижалар:



3-расм. Ажрашган аёл ва эркекларда




4-расм. Бева аёл ва тул эркекларда

ПЭА сўровномаси (тушуниш, хиссий жалб қилиш, хурмат) бўйича:



5-расм. Ажрашган аёл ва эркекларда



6-расм. Бева аёл ва тул эркекларда

Олинган натижаларга асосланган ҳолда математик статистик таҳлил қилиниб, тажриба якунидаги ҳолат учун топилган натижалардан ўртача квадратик четланиш, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари, Стьюдентнинг танланма мезони, Стьюдент мезони асосида эркинлик даражаси, Пирсоннинг мувофиқлик мезони ва ишончли четланишлар топилди. Булар куйидаги жаadwalда акс эттирилди (2-, 4- ва 6- сатрлар – ажрашган аёл ва эркекларда; 3-, 5- ва 7- сатрлар бева аёл ва тул эркекларда):

1	$\bar{X}$	$\bar{Y}$	$S_x^2$	$S_y^2$	$C_x$	$C_y$	$T_{x,y}$	$K$	$X_{\alpha}^2$	$\Delta_x$	$\Delta_y$
2	2,99	2,3	1,0499	1,17	5	7	3,28	89,69	11,26	0,27	0,32
3	2,96	2,19	0,9984	1,2739	5	8	3,5	92,04	12,74	0,26	0,33
4	2,95	2,19	1,2675	1,5139	5	8	3,62	107,96	11,13	0,3	0,33
5	2,76	2,01	1,1824	1,1899	5	8	3,26	87,78	11,28	0,32	0,31
6	1,31	0,7	0,4939	0,43	7	14	4,36	96,1	17,27	0,18	0,2
7	1,28	0,74	0,4216	0,4524	7	13	4,15	96,8	14,84	0,17	0,19

Юқоридаги натижаларга асосланиб, тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичлари ҳисобланди.

Олинган натижалардан самарадорликни баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълум бўладики, ажрашган аёл ва эркеклардаги ўзлаштириш бева аёл ва тул эркеклардаги ўзлаштиришдан юқори экан.

Демак, ажрашган аёл ва эркекларда ҳамда бева аёл ва тул эркекларда ўлғизликни субъектив ҳис қилишни ўрганиш методикаси, оиладаги эр-хотин муносабати ва оилавий кадрятларни ўрганиш методикаси, ўзаро тушуниш, хиссий яқинликни ўрганиш сўровномаси бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор эканлиги статистик таҳлилдан маълум бўлди.

## ХУЛОСА

Тадқиқот натижалари, хусусан, диссертацияда берилган фикрлар, таҳлиллар ва диссертация бобларининг хулосалари асосида қуйидаги умумий хулосаларга келинди:

1. "Қайта никоҳ" тушунчасини атамашунослик ҳамда психологик жиҳатдан аниқлаштириш учун тадқиқ қилинаётган мавзу юзасидан Шарқ мутафаккирлари ҳамда замонавий олимлар илмий тадқиқот ишлари таҳлил қилиниб, янги муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди.

2. Қайта қуриладиган янги оила никоҳдан ташқари жинсий муносабатлар, нотўлиқ оилалар, тирик етим болалар, ўзини ёлғиз, бахтсиз, бегоналашган ҳисоблайдиганлар сонининг камайишига хизмат қилиб, бундай моделдаги оилалар типни мамлакатимизда оилани мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини илмий асослайди.

3. Тадқиқ этилган қайта никоҳ қуришга ундовчи мотивлар рейтингини эр-хотин муносабатларининг этнопсихологик характери моҳиятини очиб беришга ҳамда шу туркумдаги хорижий тадқиқотлар натижалари билан қиёсий таҳлил этилиб, менталитетнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга хизмат қилади.

4. Қайта никоҳга кирган ўзбеклар қадриятларга оид ментал маконининг тузилиш жиҳати шу тонфага мансуб русларнинг қадриятларга оид ментал маконидан тубдан фарқ қилишини ва ҳар икки миллатнинг тадрижий (эволюцион) тараққиётини ўзида акс эттириши билан бирга характернинг миллий хусусиятларини алоҳида олинган қадриятлар эмас, балки уларнинг қадриятларга оид ментал макондаги ўзаро диспозициялари белгилашини исботлади.

5. Экзистенциал воқеликка бўлган муносабатларга оид ментал макон мураккаблиги ҳам ментал фарқлар мавжудлигини очиб берди. Экзистенциал воқеликка муносабатлар "Ажрашганларнинг қайта никоҳи" модели асосида оила қурган ўзбекларда кенгрок ифодаланиши намоён бўлди.

6. Ўтказилган тадқиқотлар натижалари қайта никоҳга кириш мотивациясининг ижтимоий ва этнопсихологик хусусиятларини аниқлаш имконини берди.

7. "Ёлғизликни субъектив ҳис қилишни ўрганиш" (ёлғизликни ўлчашнинг модификациялаштирилган шкаласи), "Оиладаги эр-хотин муносабати ва оилавий қадриятларни ўрганиш" ҳамда "Тушуниш, ҳиссий жалб қилиш, ҳурмат" сўровномаси методикалари бўйича ажрашганлар ва бева (тул)лар ўртасида ўтказилган тажриба-синов натижаларининг самарадорлик даражалари аниқланди.

**Тадқиқот натижалари ва улар асосида шакллантирилган умумий хулосалар қуйидаги амалий тавсияларни тақлиф этиш имконини берди:**

1. Қайта никоҳга нисбатан установка ижтимоий йўл-йўриқларнинг бир кўриниши эканлигини инобатга олган ҳолда қайта никоҳга киришда "никоҳга психологик тайёрлик" тушунчаси шахснинг ижтимоий-психологик установкасидаги эр-хотинлик муносабатларига таъсир қилувчи қадриятлар ва

ҳаёт тарзининг эмоционал-психологик муносабатлари тизимини қамраб олиши нуктаи назаридан талқин қилиниши ҳамда турмушидан ажралган шахсларни оила-никоҳ муносабатларига тайёрлашда қандай ўрин эгаллаши мутахассислар томонидан таҳлил этилиши зарур.

2. Турмушидан ажралган шахсларни қайтадан оилавий ҳаётга тайёрлашда ахлоқий (никоҳ, болалар ва бошқа қадриятларнинг англаниши), психологик (эр-хотинлик муносабатларидаги зарурий психологик билимларга эгаллик), педагогик (болаларни тарбиялаш юзасидан қобилият ва малакага эгаллик), санитар-гигиеник (рўзгор ва никоҳ гигиенаси), уй-рўзгор иқтисоди сингари асосий йўналишларга эътибор қаратилиши лозим.

3. Ижтимоий соҳадаги давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини оила-никоҳ ва демография доирасида олиб борилаётган илмий тадқиқотларда очиб бериш, бунда оиланинг аҳамияти, оилавий қадриятлар, ота-оналар ва эр-хотинларнинг ижтимоий ўрни масалаларига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

4. Шунингдек, жинсий тарбия шахснинг қарама-қарши жинс вақилига нисбатан жамият учун фойдали муносабатларни аниқлаштиришида ўзига хос жиҳатлар ва установкаларни қайта ишлаб чиқишга йўналтирилган жараён сифатида кўрилар экан, никоҳ ва қайта никоҳга тайёргарлик тизимида жинсий тарбия масаласи ҳам назардан четда қолмаслиги керак. Айни пайтда турмушидан ажралган шахсларни оилавий ҳаётга тайёрлашда улар онгига жинсий билимлар билан бир қаторда, шахслараро муносабатларнинг шаклланиши доирасида анланган даражадаги фуқаролик ҳуқуқлари ва ўз хатти-ҳаракатларига фуқаролик масъулияти билан ёндашиш ҳиссини ҳам сингдириш зарур.

5. Никоҳни бекор қилаётган ёки қайтадан оила қураётган шахсларга психологик маслаҳат беришда азалдан амалиётда қўлланиб келинаётган самарали психологик таъсир восита ва усулларидан, методикалардан фойдаланиш керак. Мазкур жараёнда болалар ва уларнинг тақдири учун масъулиятни қабул қилишга тайёр бўлиши, оиланинг бошқа аъзолари ҳуқуқи ва кадр-қимматини тушуниши, инсоний муносабатларда тенглик тамойилларини тан олиши, ҳамкорликдаги ва қўндалик ваъдаларини бажаришга интилиши, бошқа одамнинг характер хислатларига ва одатларига кўникиши, шунингдек, унинг психик ҳолатини тушуниши каби қайта никоҳга психологик тайёр бўлишда зарур бўладиган жиҳатлар шахсда шакллантирилиши лозим.

6. Никоҳ бекор қилинишининг олдини олишда оила, маҳалла, жамоатчилик, таълим муассасаларининг аҳамияти бениҳоя катталигини ҳисобга олиб, бу борада олиб борилаётган ишлар самарадорлигини янада кучайтириш, мазкур соҳаларга алоқадор мутасадди ходимлар масъулиятини ошириш ҳозирги кундаги долзарб масалалардандир. Чунки тегишли вазифалар эътибордан четда қолса, ажралишларнинг кўпайиши, оилаларнинг ниқирозга учраши, эр-хотин ҳамда фарзандлар руҳий ҳамда жисмоний саломатлигига салбий таъсир эҳтимоли кучаяди. Таълимий характерга эга

бўлган турли тадбирларни амалга оширишда фаолиятга, шахсга йўналтирилган ёндашув қатнашчиларда айнан онланнинг, инсон ўзини ўзи англаши, асосий ҳаётий кадриятлари шаклланишида муҳим ўрин тутуши хусусида тасавурлари мустаҳкамланишига ёрдам беради.

7. Қайта никоҳга психологик тайёр бўлиш ўзига хос интеграл категория сифатида таснифланар экан, мутахассислар, психологлар томонидан тренинглар, индивидуал суҳбат ва гуруҳий машғулотларни олиб бориш жараёнида шахсда шахслараро муносабатга ва ҳамкорликка тайёрлик, ўз шеригига фидокорона муносабатда бўлиш қобилияти, инсон ички дунёсини тушуниш (эмпатия, ҳамдардлик), инзоларни конструктив ҳал қилиш, ўз психикаси ва ҳулқ-атворини идора қила олиш хусусиятларини шакллантиришга аҳамият берилиши зарур.

8. Аҳоли, айниқса ёшлар идроки ва тасавурида оила институтининг қийматини оширишга қаратилган асарлар, ҳикоялар, бадний ва видеофильмлар яратишга эътиборни кучайтириш лозим.

9. Оилавий ҳаётдаги инзоларнинг олдини олиш, конструктив ечиш, айниқса, қайта никоҳ асосида қурилган оилалар мустаҳкам бахтли ҳаёт негизини мумкинлигини намойиш қилувчи (тарғиб қилувчи) кўрсатувлар, суҳбатлар, учрашувлар ташкил этиб, ёшларда оилавий ҳаёт ҳақида тўғри, тўлақонли тасаввур шакллантириш мақсадга мувофиқ.

10. Оила масалалари бўйича маслаҳат берадиган амалий психологлар касбий фаолияти давомида ажрашган оилалар билан иш олиб боришда биринчи никоҳ асосида юзага келган салбий, негатив тасавурларни психокоррекция қилишга алоҳида эътибор қаратишлари керак.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.01.2020.P.26.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**РАСУЛЕВА НАИМА ЗИЯУТДИНОВНА**

**СОЦИАЛЬНЫЕ И ЭТНОПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ  
МОТИВАЦИИ ПОВТОРНОГО БРАКА**

**19.00.05 – Социальная психология. Этнопсихология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ПСИХОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент– 2020**

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2020.2.PhD/P142

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) и на информационно-образовательном портале «Ziyouet» ([www.ziyouet.uz](http://www.ziyouet.uz)).

**Научный руководитель:** Кадиров Умарали Душкобилевич  
доктор психологических наук, доцент

**Официальные оппоненты:** Самиров Рустам Садридинович  
доктор философских наук, профессор

Согинов Нурмат Абдусаматович  
кандидат психологических наук, доцент

**Ведущая организация:** Узбекский государственный университет  
физической культуры и спорта

Защита диссертации состоится «04» января 2021 года в 09.00 часов на заседании Научного совета номер DSc.03/30.01.2020.P.26.02 при Ташкентском государственном педагогическом университете (Адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом 27. Тел.: (+99871) 276-82-32/ факс: (+99871) 276-76-51, e-mail: [info@tdpu.uz](mailto:info@tdpu.uz)


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за № 129). (Адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом 27. Тел.: (+99871) 276-82-32

Автореферат диссертации разослан «25» декабря 2020 года

(реестр протокола рассылки № 1 от «25» декабря 2020 года)

  
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней,  
доктор психол. наук, профессор

Х.А.Кадирова  
ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней,  
кандидат психол. наук, доцент

  
В.М.Каримова  
председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор психол. наук, профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** Рост в мире количества разводов в семьях, необходимость изучения факторов, являющихся основанием для вступления личности в повторный брак, семейных отношений супругов, вступивших в повторный брак, обосновывают актуальность исследований, проводимых по этим вопросам. Уровень разводов составляет в Великобритании 44,6%, в Южной Корее 46,8%, во Франции 54,3%, в Швейцарии и Финляндии 55,5%, Испании 56,7%. Следовательно, научное исследование социальных и этнопсихологических аспектов вступления в повторный брак имеет серьезное значение для науки психологии мира и Узбекистана.

В мире в образовательных и научно-исследовательских учреждениях ведутся научные исследования по изучению статуса мужчины и женщины, вступивших в повторный брак, в укрепления института семьи, роли женщины в семье, понимания, чувственной близости супругов и степени влияния личных взаимоотношений на семейные отношения. В процессе проведения исследований уделяется особое внимание исследованию в качестве актуальной социально-психологической проблемы семейных отношений мужчин и женщин, вступивших в повторный брак, этнопсихологических особенностей мотивов вступления в брак.

